

4/2025,
iyul-
avgust
(№ 00078)



ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИГА СОЛИҚЛАР ТАЪСИРИНИНГ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Ачилова Комила Эгамқуловна

ТДИУ мустақил изланувчиси

Orcid: <https://orcid.org/0009-0006-5272-9663>

Email: ochilovakomila96@gmail.com

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol13_iss3/772

Аннотация

Мақолада хўжалик юритувчи субъектлар молиявий барқарорлигига солиқлар таъсирининг ташкилий-услубий асослари тадқиқ этилган. Солиқ юки, солиқ имтиёзлари ва солиқ маъмуриятчилигининг молиявий барқарорликка таъсири назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги мисолида солиқ механизмларининг субъектлар молиявий ҳолатига таъсири асослаб берилган.

Таянч сўзлар: солиқлар, молиявий барқарорлик, хўжалик юритувчи субъектлар, солиқ юки, солиқ имтиёзлари, ликвидлик, рентабеллик.

Аннотация

В статье исследуются организационно-методические основы влияния налогов на финансовую устойчивость хозяйствующих субъектов. Проанализировано воздействие налоговой нагрузки, налоговых льгот и налогового администрирования на финансовое состояние субъектов хозяйствования. На примере налогового законодательства Республики Узбекистан обоснована роль налоговых механизмов в обеспечении финансовой устойчивости.

Ключевые слова: налоги, финансовая устойчивость, хозяйствующие субъекты, налоговая нагрузка, налоговые льготы, ликвидность, рентабельность.

Abstract

This article examines the organizational and methodological foundations of the impact of taxes on the financial stability of business entities. The effects of tax burden, tax incentives, and tax administration on the financial performance of firms are analyzed from both theoretical and practical perspectives. Using the example of the tax legislation of the Republic of Uzbekistan, the role of tax mechanisms in ensuring financial stability is substantiated.

Keywords: taxes, financial stability, business entities, tax burden, tax incentives, liquidity, profitability.

Кириш

Ҳар қандай жамиятда иқтисодиёт субъектлари фаолиятини бозор иқтисодиёти шароитидаги эркинлигини ҳисобга олиш, уларнинг молиявий мустақиллигига, эркин баҳо белгилашларига тўсқинлик қилмаслик ҳамда солиқ тўловларининг белгиланиши

демократик асосда бўлиши таъминланиши зарур. Шунингдек, солиқлар хўжалик юритувчи субъектларда рақобатга бардош бера оладиган товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишни кўпайтиришга қаратилмоғи лозим.

Молиявий барқарорлик хўжалик юритувчи субъектларнинг мавжуд молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиши, мажбуриятларини ўз вақтида бажариши ва ташқи иқтисодий зарбаларга чидамли бўлиш қобилияти ҳисобланади. Мазкур йўналишда ҳам қатор тадқиқотлар олиб борилган ва ушбу анъана давом этмоқда. Жумладан:

Хорижий иқтисодчи олим В.Бивер молиявий коэффициентлар ва тўловга лаёқатсизлик ўртасидаги муносабатларнинг асосий эмпирик асоси илгари сурилган. В.Бивер фикрича “кредитга лаёқатлиликини коэффициенти турли фойдаланувчилар, шу жумладан кредиторлар, кредит рейтинг агентликлари, инвесторлар ва бошқарув томонидан фойдаланилади ... муваффақиятсизлик хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз молиявий мажбуриятларини улар муддати тугаши билан тўлашга қодир эмаслиги деб таърифланишини ... операцион нуқтаи назардан, хўжалик юритувчи субъектлари банкротлик, облигациялар бўйича дефолт, банк ҳисобварағининг ортиқча тўланиши ёки имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўланмаган тақдирда муваффақиятсизликка дучор бўлди деб эътироф этилади”¹.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, назарий жиҳатдан хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини қуйидаги кўрсаткичлар орқали баҳолаш мумкин. Хусусан:

- Ликвидлик;
- Рентабеллик;
- Капитал тузилиши;
- Қарз юкини қоплаш коэффициенти.

Мазкур кўрсаткичларнинг ҳисобланиши хўжалик юритувчи субъектларининг жорий активлари, ўз маблағлари, фойда, соф фойда, жорий мажбуриятлар, жами активлари каби кўрсаткичларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади. Буни қуйидаги 1-жадвалда кўриш мумкин.

1-жадвал

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари²

Кўрсаткич	Формула	Мазмун
Жорий ликвидлик	Жорий активлар / Жорий мажбуриятлар	Қисқа муддатли тўлов қобилияти
Автономия коэффициенти	Ўз маблағлар / Жами активлар	Корхонанинг молиявий мустақиллиги
Рентабеллик	Соф фойда / Активлар	Фаолият самарадорлиги

¹ Beaver, W. H. (1966). Financial Ratios As Predictors of Failure. Journal of Accounting Research, 4, 71–111. <https://doi.org/10.2307/2490171>

² Муаллиф ишланмаси (Илмий тадқиқот жараёнида таҳлилларга таянилган ҳолда тайёрланди).

Қарз юкини қоплаш	Фойда / Қарзлар бўйича тўловлар	Солиштирма барқарорлик даражаси
-------------------	---------------------------------	---------------------------------

Юқоридаги 1-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар ҳисоб китобидан келиб чиқиб, қайд этиш ўринлики солиқлар ва молиявий барқарорлик ўзаро боғлиқ.

Солиқлар хўжалик юритувчи субъектларга қуйидаги каналлар орқали таъсир қилади:

1. Фискал юк орқали – солиқ ставкалари юқори бўлса, инвестиция имкониятлари чекланади.

2. Инвестиция муҳити орқали – прогноз қилинадиган ва шаффоф солиқ сиёсати узоқ муддатли молиявий режалаштиришни таъминлайди.

3. Қайта тақсимлаш орқали – давлат солиқ маблағларини субсидия, инфратузилма лойиҳалари ёки кредитлар кўринишида қайта йўналтириши мумкин.

Замонавий шароитда тадқиқотларда илгари сурилаётган фискал барқарорлик модели давлат бюджети ва хўжалик юритувчи субъектлар молияси уйғунлашган ҳолда иқтисодий барқарорликка хизмат қилади.

Шу ўринда, иқтисодчи олим Э.Алтман (Edward Altman)³ қарашларига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

1.2-жадвал

Солиқ воситалари ва уларнинг барқарорликка таъсири⁴

Солиқ воситаси	Таъсир йўналиши	Натижа
Солиқ имтиёзлари	Инвестиция фаолияти	Капитал қўйилмалар ошиши
Амортизация сиёсати	Айланма маблағлар	Асосий воситаларни янгилаш имконияти
Солиқ кредитлари	Қисқа муддатли ликвидлик	Барқарор тўлов қобилияти
Прогрессив ставкалар	Даромадлар қайта тақсимоти	Ижтимоий адолат ва барқарор бозор муҳити

Ўзбекистонда шаклланган солиқ сиёсатининг мақсади аҳоли фаровонлигининг юксалиши ва мамлакатнинг гуллаб-яшнашига қаратилган иқтисодий ўсиш суръатлари, иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва модернизация қилишни белгилловчи ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб қолмоқда⁵.

Иқтисодий субъектларнинг ўзини-ўзи молиялаштириш даражаси олинган фойда билан белгиланади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қоладиган соф фойда хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришни, хўжалик юритувчи субъектнинг илмий-техник ва ижтимоий ривожланишини, ходимларни моддий рағбатлантиришни молиялаштириш учун етарлича бўлиши керак.

³ Altman, E. I. (1968). Financial Ratios, Discriminant Analysis and the Prediction of Corporate Bankruptcy. The Journal of Finance, 23(4), 589–609. <https://doi.org/10.2307/2978933>

⁴ Муаллиф ишланмаси (Илмий тадқиқот жараёнида таҳлилларга таянилган ҳолда тайёрланди).

⁵ Ўзбекистон солиқ тизими мустақиллик йилларида: Тошкент-2011

Макроиқтисодиётда соф даромад хўжалик юритувчи субъектлар даражасида ишлаб чиқариш омиллари, яъни меҳнат, капитал ҳамда табиий ресурсларнинг ўзаро таъсири натижасида яратилади. Кенгайтирилган такрор ишлаб натижасида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектда микродаражада ишлаб чиқарилган маҳсулот товар айирбошланиши жараёнида пул шаклига айланар экан, иш ҳақи, фойда ва ренталарга бўлиниб кетади. Бунда қўшимча маҳсулот яратилади, соф даромад хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқариш воситаларини ўзлаштиришнинг ижтимоий шаклидан қатъий назар реализация қилинади. Соф даромад муқаррар тарзда уч қисмга бўлинади. Улардан бири солиқлар кўринишида давлат ихтиёрига тушади, иккинчиси иш ҳақи сифатида аҳолида қолади, охиригиси фойда шаклини касб этиб хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил солиқ сиёсати 1991 йилдан бошланди десак, муболаға бўлмайди. 1991 йил 15 февралдаги «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинadиган солиқ тўғрисида»ги қонун, «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинadиган даромад солиғи» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари мамлакатнинг мустақил солиқ сиёсатини бошлаганидан далолат беради. Дастлаб қабул қилинган ушбу қонунлар, яъни “Корхоналардан олинadиган солиқлар тўғрисида” ги қонун 47 та модда ва “Фуқаролар даромадидан олинadиган солиқ тўғрисида”ги қонун 27 моддадан иборат бўлган.

Корхоналар даромадига солиқ ушбу қонуннинг 1-15-моддаларига мувофиқ ҳисобланган ва давлат бюджетига тўланган. 1991-1994 йиллар давомида «даромад (фойда)» солиғи эмас, балки «даромад» солиғи мавжуд бўлиб, мулкчиликнинг барча шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектлар даромад солиғини давлат бюджетига тўлаган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида мувофиқ 1995 йилдан бошлаб, хўжалик юритувчи субъектлардан олинadиган даромад (фойда) солиғи жорий этилди ва хусусий хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда солиққа тортиладиган даромаддан солиқ тўловчи хўжалик юритувчи субъектлардан ташқари юридик шахслар даромад (фойда)дан солиқ тўлай бошлади. 1996 йилдан хусусий хўжалик юритувчи субъектлар ҳам даромад (фойда)дан солиқ тўлаш усулига ўтказилган.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида «Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар» дейилади ва бундан келиб чиқиб, солиқ муносабатларини жамиятдаги етакчи муносабатлар сифатида эътироф этиш мумкин. Юридик ва жисмоний шахслар қонунда белгиланган солиқларни белгиланган тартибда сўзсиз давлат бюджетига тўлаб борадилар.

2007 йил 25 декабрда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ҳамда 2008 йил 1 январдан амалга киритилган янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 126-моддасидан бошлаб, 176-моддасигача юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ҳақида маълумотлар берилган ва бу ҳуқуқий асослардан бири бўлиб ҳисобланади.

Замонавий шароитда юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 163-164-моддаларига мувофиқ ҳисобланади ва бюджетга ўтказилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қонун ва қарорлар натижасида солиққа тортишнинг ҳуқуқий асоси яратилди ва шу ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги босқичма-босқич такомиллашиб бормоқда ва мамлакат иқтисодиётига муҳим хизмат қилмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда солиқ тизими ва унинг ҳуқуқий-меъёрий базаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу асослар қонун ҳужжатлари, меъёрий-ҳуқуқий актлар, ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилади. Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мол-мулк дахлсизлиги, тадбиркорлик эркинлиги, давлат бюджети ва солиқ тўлаш мажбурияти белгилаб қўйилган. Конституциянинг 51-моддасида: “Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар” деб кўрсатилган.

Солиқ кодекси (янги таҳрирда, 2020 йил 1 январдан амалда) – солиқлар турлари, уларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби, имтиёзлар ва жавобгарлик чораларини белгилайди.

Бюджет кодекси (2013 й.) – давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда солиқларнинг роли ва нормаларини белгилайди. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун – солиқ органлари билан муносабатларда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

“Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонун (2019 й.) – инвесторларга берилadиган солиқ имтиёзлари орқали молиявий барқарорликни қўллаб-қувватлайди.

Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Давлат солиқ қўмитаси буйруқлари ва йўриқномалари орқали солиқ сиёсати ва ҳисоб-китоб тартиби аниқланади. Масалан, айрим соҳалар (қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари, экспортёрлар) учун алоҳида солиқ имтиёзлари белгиланган.

Хулоса

Хулоса ўрнида шуни алоҳида қайд этиб ўтиш ўринли бўлади, бозор иқтисодиёти тамойилларининг мамлакат иқтисодиётига босқичма-босқич жорий этиб борарканмиз, хўжалик юритувчи субъектларининг ўзгаришлар, турли инқирозларга мослашиши учун иқтисодий қийинчиликка тушган субъектларни вақтинчалик енгиллатиш мақсадида солиқ кредити ва кечиктиришлари қўлланилади. Шунингдек, солиқ ставкалари ва солиқ базасининг оптималлаштирилиши тадбиркорлик субъектлари учун солиқ юкини камайтириш орқали уларнинг айланма маблағларининг кўпайишининг омили бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Beaver, W. H. (1966). Financial ratios as predictors of failure. *Journal of Accounting Research*, 4, 71–111.

2. Altman, E. I. (1968). Financial ratios, discriminant analysis and the prediction of corporate bankruptcy. *The Journal of Finance*, 23(4), 589–609.

3. Keynes, J. M. (1936). *The general theory of employment, interest and money*. London: Macmillan.

4. Smith, A. (1776). *An inquiry into the nature and causes of the wealth of nations*. London: Methuen.

5. Friedman, M. (1962). *Capitalism and freedom*. Chicago: University of Chicago Press.